

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.05.2018.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**БОЗАРОВ ОЙБЕК ОДИЛОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ  
УЧУН РЕАКТИВ ГИДРОАГРЕГАТЛИ  
МИКРО-ГЭС ҚУРИЛМАСИНИ ЯРАТИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги  
энергия қурилмалари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Бозаров Ойбек Одилович**

Қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари учун реактив гидроагрегатли  
микро-ГЭС қурилмасини яратиш ..... 3

**Бозаров Ойбек Одилович**

Разработка микро-ГЭС с реактивным гидроагрегатом для  
сельскохозяйственных потребителей ..... 23

**Bozarov Oybek Odilovich**

Creating efficient microenergy devices for agricultural consumers  
based on renewable energy sources ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.05.2018.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**БОЗАРОВ ОЙБЕК ОДИЛОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ  
УЧУН РЕАКТИВ ГИДРОАГРЕГАТЛИ  
МИКРО-ГЭС ҚУРИЛМАСИНИ ЯРАТИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги  
энергия қурилмалари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т773 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.fti.uz](http://www.fti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алиев Райимжон Усманович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Уришев Бобораим**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мажидов Тахиржон Шадманович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Физика техника институти ҳузуридаги DSc.30.052018.FM/Т.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Ташкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй. Тел/Факс: (+99871)-235-42-91, e-mail: [info.fti@uzsci.net](mailto:info.fti@uzsci.net). Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика техника институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Ташкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй. Физика-техника институти. Тел/Факс: (+99871)-235-30-41

Диссертация автореферати 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Р. Авезова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д. етакчи илмий ходим

**А.Комилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

**В.А. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д. профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда дунё миқёсида экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва энергия ресурсларни ташкил этувчи турли углеводородли ёқилғиларни тежаш, ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш борасидаги илмий ва амалий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Атроф-муҳитга зарарсиз ҳолда истеъмолчиларнинг электр таъминоти тизимини ривожлантириш масаласида жаҳон амалиётида қайта тикланувчи энергия манбаларидан бири - гидроэнергия ресурсларидан фойдаланишга ва бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бутун жаҳонда электр энергиясига бўлган талабнинг ортиб боргани каби республикамизда ҳам аҳоли сонининг ортиши, турли ишлаб чиқариш корхоналарнинг ташкил қилиниши электр энергияга бўлган талабни кун сайин ортишига олиб келмоқда. Бу талаб ва эҳтиёжларни ҳал этиш учун ишончли, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳолат, Республикамиз ҳудудларидан оқиб ўтадиган ариқ, дарё, ирригация тизимларидаги каналлар гидроэнергетик потенциалидан фойдаланиш учун кичик сув босимларида ишловчи микрогидроэлектростанцияларни такомиллаштириш ёки уларнинг янги турларини яратиш ҳамда конструктив ечимларини ишлаб чиқишни талаб этади. Шунинг учун қайта тикланувчи энергия манбалардан бири бўлган гидроэнергетика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида «...якин келажакда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан паст босимларда юқори самарадорлик билан ишлайдиган янги конструкциядаги реактив принцили микрогидроэлектростанция (микро-ГЭС)ни яратиш, унинг конструктив ўлчамлари ва энергетик параметрлари орасидаги боғланишларни аналитик моделлаштириш ҳамда сув сарфи миқдорини инобатга олган ҳолда конструкция деталларининг ўлчамларини унинг иш режимига мослаштириш муҳим масалаларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2947-сон «2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг III. «Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш» устувор йўналишлари билан мос тушади.

**Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси:** Бугунги кунда экологик тоза гидроэнергия манбаларидан самарали фойдаланиш деярли барча давлатларда устувор йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Юқори босимга эга бўлмаган гидроэнергетик манбалардан электр энергияси олиш устида жаҳоннинг етакчи илмий ва олий таълим муассасаларида турли конструкцияларни ишлаб чиқиш, ҳамда уларни такомиллаштириш ва бошқарувнинг автоматлашган тизимларини яратиш устида кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилган.

Булардан Россия<sup>2</sup>, Америка, Англия<sup>3</sup>, Германия, Испания, Дания, Италия, Малайзия, Хитой<sup>4</sup>, Филлипин<sup>5</sup>, Эрон, Индонезия, Қирғизистон давлатларидаги олийгоҳ ва махсус илмий тадқиқот институтларини мисол келтириш мумкин. Шунингдек Ўзбекистондаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида ҳам кенг қамровли илмий тадқиқотлар, инновацион изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамиздаги мавжуд гидроэнергетик потенциаллар таҳлили ва улардан энергетика соҳасида фойдаланиш имкониятлари, усуллари, кичик ва микрогидроэлектростанцияларнинг конструктив параметрлари ва бошқарув тизимларини такомиллаштириш, турли энергетик қурилмаларнинг самарадорлигини орттириш каби илмий муаммоларни ҳал этишда ўзбек олимларидан Аллаев К.Р., Захидов Р.А., Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У., Алиев Р.У., **Мамадиеров Э.К.**<sup>6</sup>, Эргашев С., Умрзоқов А.Х. ва бошқалар томонидан кенг қамровли ишлари бажарилган. Бундай гидроэнергетика соҳасидаги тадқиқот ишлари, чет мамлакатлардаги етакчи олимлар Лукутин Б.В., Обухов С.Г., Харон Ч., Клыков С.П., Кажинский Б.Б., Мюллер Г., Левковский П., Словакия М., Иренбергер А., Шницер В., Лотар К., Кризик В., Славчев С., Юреньков В.Н., Пивоваров В.А., Шоёқубов Ш.Ш., Сатибалдиев А.Б., Нарзиев М., Суле Л., Вайчбротт Ф., Ибраҳим А., Диёров Р.Х. ва бошқалар томонидан ҳам олиб борилган.

---

<sup>2</sup> <http://www.inset.ru/r/obor.htm>

<sup>3</sup> Gerald Muller, Klemens Kauppert. Old watermills - Britain's new source of energy, // *New civil engineer international*. March. - 2003, P.P. 20-28.

<sup>4</sup> D.Zhou, J.Gui, D.Deng, H.Cheu, y.Yu, A.Yu, C.Yang. Development of an ultralow head siphon hudro turbine using computational fluid dynamics.// *Energy.-China*, 2019.-Vol. 181.-P.P. 43-50.

<sup>5</sup> J.C.Casila, M.Duka, R.D.L.Reyes, J.C.Ureta, Potential of the Molawin creek for mikro hydro power generation: An assissment.//*Sustainable Energy Technologies and Assissments.-Phillipines*, 2019, - Vol.32. P.P. 111-120.

<sup>6</sup> **Э.К. Мамадиеров**, Определение основных параметров микрогидроэнергетической установки, *Гелиотехника*, 2010 (2), С. 68-71.

Бажарилган ишларда микро-ГЭСнинг асосий ишчи қисми бўлган гидротурбиналари ковшли<sup>7</sup>, пропеллерли, куракчали ишчи ғилдиракка эга қисмлардан ташкил топган ва уларни такомиллаштириш сувнинг куракчаларга урилиш бурчагини, лопаст юзасининг эгрилиги ва ўлчамларининг мақбул қийматларини аниқлашга қаратилган. Мавжуд адабиётлар ва интернет ахборот ресурсларида келтирилган маълумотлар таҳлилидан кўринадики, паст босимларда юқори самара билан электр энергиясини берувчи янги гидротурбиналарни яратиш масаласи ўз ечимини топмаган. Шунинг учун паст босимларда самарали ишловчи микро-ГЭСларнинг янги конструкцияларини яратиш ҳамда ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ва долзарбдир.

Сув босими кичик бўлган гидроэнергетик манбаларда фойдаланишга мўлжалланган, реактив принципда ишлайдиган гидротурбинали микро-ГЭС қурилмасини яратиш, унинг технологик ва энергетик параметрларини мақбуллаштириш ҳамда саноат-тажриба намунасини ишлаб чиқишга йўналтирилган диссертацион тадқиқот ўтказилиши зарур.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали илмий тадқиқот режасининг И-2016-2-26/1-сонли «Кўрғонтепа ва Бўз худудида 50-100 кВт қувватли КГЭСлар тизимини яратиш ва ишга тушириш» (2016-2017) мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** паст босимли сув манбалари энергияси ҳисобига ишловчи реактив гидротурбинали микро-ГЭС конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини мақбуллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Республикамиздаги ариқ, дарё, сув ҳавзалари ва ирригация тизимидаги мавжуд гидроэнергетик потенциални ва микро-ГЭС конструкцияларини ўрганиш;

микро-ГЭС конструкциясининг таркибий қисмлари, техник ва энергетик параметрлари орасидаги аналитик боғланишларни аниқлаш;

аналитик лойиҳалаш усулига таянган ҳолда, янги турдаги реактив гидротурбинали микро-ГЭС қурилмасини ишлаб чиқиш;

асинхрон фаза роторли двигатель негизида микро-ГЭС учун паст частотали электрогенераторни ишлаб чиқиш;

микро-ГЭСдан олинadиган электр кучланиши амплитуда ва частоталарини, гидротурбина ишчи ғилдирагининг айланиш частотасини автоматик бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган микро ГЭС қурилмаси ва электрогенераторни биргаликда табиий шароитда синовдан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** катта-кичик дарёлар ва уларнинг ирмоқлари, шаршарали ариқ-сойлар ҳамда ирригация тизимларидаги сув манбаларида

---

<sup>7</sup> Свит П.П. Разработка МИКРО-ГЭСс асинхронными генераторами для сельскохозяйственных потребителей Автореф. дисс. канд. техн. наук. Барнаул, Алтайский ГТУ. 2007.

ишловчи микро-ГЭС қурилмасининг конструкцияси ва унинг геометрик, техник параметрларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** паст босимли сув энергияси ҳисобига ишловчи реактив гидротурбинали микро-ГЭСнинг конструкцион тузилиши, геометрик ўлчами ва энергетик параметрларини илмий-техник асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб бориш жараёнида маълумотларни қайта ишлаш, аналитик лойиҳалаш, аналитик таҳлил назарияси, математик моделлаштириш, статистика ва тажрибаларни режалаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

катта-кичик дарёлар ва уларнинг ирмоқлари, шаршарали ариқ-сойлар ҳамда ирригация тизимларидаги сув манбаларида ишловчи реактив гидротурбинали микро-ГЭС қурилмаси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган реактив гидротурбинанинг техник ва энергетик параметрлари орасидаги функционал боғланишлар ҳамда максимал ФИКга эришиш шартлари аналитик моделдаштириш асосида аниқланган;

гидротурбина ичида сувнинг ҳаракатида қаршиликлар эвазига босим йўқотилишини камайтиришнинг аналитик ва техник ечимлари ишлаб чиқилган;

микро-ГЭСларда қўллашга мўлжалланган паст частотали электрогенератор асинхрон фаза роторли электродвигатель негизида ишлаб чиқилган;

реактив гидротурбинали микро-ГЭСнинг автоматик бошқарув тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари учун паст босимли гидроэнергетик манбаларда ишловчи реактив гидротурбинали микро-ГЭС қурилмаси яратилган;

фаза роторли асинхрон двигатель негизида, паст айланиш частотали 1-22 кВт қувватли электр генераторлар тажриба намунаси ишлаб чиқилган;

микро-ГЭС асинхрон генераторидан чиқувчи кучланиш амплитудаси ва частотасини созлаш учун сув оқими ва электр юкламанинг кенг диапазонда ўзгаришига мос параметрларини созлаш схемаси ишлаб чиқилган;

саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун сув сарфи ва босими берилган ҳолда гидротурбинанинг энергетик, конструкцион ва техник параметрлар орасидаги математик боғланишлардан фойдаланиб микро-ГЭСнинг энергетик параметрларини ва ундан олинadиган гидроэнергияни ҳисоблаш электрон дастури ва методик тавсиянома ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Реактив микро-ГЭС учун олиб борилган назарий ҳисоблашларни амалий синов натижаси билан ўзаро мослиги, серияли ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосланганлиги ва юқори аниқликдаги, сертификатланган ўлчов асбобларидан фойдаланилган ҳолда ўлчаш ишлари олиб борилгани орқали таъминланган.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги турдаги реактив гидроагрегатли микро-ГЭСни ишлаб чиқишда ишчи ғилдиракнинг айланма ҳаракати динамикасининг илмий асосланганлиги, конструкция элементлари қаршиликлари эвазига йўқотиладиган энергияни минималлаштириш ва оптималлаштириш, гидротурбинанинг



геометрик ўлчамларини чиқиш энергетик параметрлар билан ўзаро аналитик боғлиқлигини аниқлаш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти гидроэнергетик потенциали мавжуд худудлардаги истеъмолчилар паст босимли сув манбаларида ишловчи нисбатан таннархи арзон микро-ГЭС қурилмасидан кенг кўламда фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Гидроэнергетик потенциал мавжуд худудларда Микро-ГЭС тизимидан унумли фойдаланиш ҳозирдаги глобал муаммо бўлган атроф муҳит тозаллиги, экологиянинг салбий бузилишларидан сақлашга ва ёқилғи турларини диверсификация қилишда, тежашда ўз ҳиссасини қўшади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Сув босими катта бўлмаган анхор, ирригация тизимлари ва дарёларда қўллашга мўлжалланган реактив гидротурбинали микрогидроэлектростанциянинг техник параметрларини мақбуллаштириш ва қурилмани ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

ишлаб чиқилган қурилма Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги

«Инновацион тажриба-кўргазма майдони»да жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2019 йил 10 июль 02/021-1080 сон маълумотномаси). Натижада 5 кВт қувватли микро-ГЭС қурилмаси ёрдамида қишлоқ хўжалик истеъмолчилари учун йилига 34 МВт\*соат электроэнергияси ишлаб чиқариш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган қурилма Наманган вилояти Норин тумани Тошкент жамоа хўжалигида жойлашган «Зулхумор Фозилжон қизи» фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2019 йил 10 июль 02/021-1080 сон маълумотномаси). Натижада 10 кВт қувватли микро-ГЭС қурилмаси ёрдамида қишлоқ хўжалик истеъмолчилари учун йилига 54 МВт\*соат электроэнергияси ишлаб чиқариш имкони яратилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**

Тадқиқот ишининг натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган.

#### **Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 4 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган халқаро журналларда, 2 та республика журналларида 6 та илмий мақола нашр этилган, 1 та фойдали модел учун патент олинган.

#### **Диссертация тузилиши.**

Диссертация ишининг ҳажми 141 бетни ташкил этиб, кириш, тўртта боб, хулоса қисмларидан иборат. Диссертация 30 та расм, 18 та жадвал, 97 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати, фойдаланилган қисқартмалар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Ишнинг кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг зарурлиги ва долзарблигининг асосланиши, мақсади ва асосий вазифалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиянинг ривожланиш йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, илмий ишларни чоп этганлик ҳақидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати ҳамда истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида жаҳонда, хусусан Ўзбекистон Республикасида кичик ва микрогидроэлектростанциялардан фойдаланиш ҳолатлари ва мавжуд гидроэнергетик имкониятлар таҳлил этилган. Мавзу бўйича адабиётлар ҳаволаси, Кичик босимли гидроэнергетик манбаларда ишловчи микрогидроэлектростанциялар бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили натижалари тақдим этилган. Кичик босимларда ишловчи микро-ГЭСлар билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар аниқланган. Тадқиқот мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Реактив гидротурбинали микро-ГЭС қурилмаси ташкилий қисмлари ва уларни аналитик моделлаштириш ва лойиҳалаш**» деб номланган иккинчи бобида микро-ГЭС умумий конструкцион схемаси асосида гидротурбина ичида сувнинг ҳаракатланиши таҳлил этилиб, аҳамиятли кесимларда ўртача тезликлари аниқланди. Олинган натижалардан фойдаланиб, гидротурбинанинг энергетик параметрлари ва ўлчамлари орасидаги аналитик боғланишлар ҳамда зарурий тенглама ечимлари орқали конструкция ўлчамлари ва ташкилий қисмларини лойиҳалаш натижалари берилган.

Лойиҳаланган реактив принципда ишловчи микро-ГЭС конструкциясининг умумий схемаси 1-расмда акс этган. Гидротурбинага кирадиган сув миқдори  $Q$  ва сув устунини баландлиги  $H_0$  ни доимий деб қараб, Резервуар-1, *a*, *b*, *v*, *г* соҳалардан сувнинг 1-*a-b-v-г* ўтишида оқим энергияси, гидростатик, гидродинамик, статик босимларнинг ўзгаришлари ҳамда бу ўтиш кесимларидаги ўртача тезликларини ва мос жойлардаги қаршиликлар эвазига босим йўқотилишлари аналитик таҳлил этилиб, улар учун зарурий ифодалар олинди.


Тегишли кесимлар учун Бернулли тенгламалари ечилиб, сувни 1-*a* ўтишида унинг резервуардаги ўртача тезлигини жуда кичик деб, гидротурбинага киришдаги сув тезлиги  $V_1$  учун қуйидаги ифодани оламиз:

$$V_1 = \varphi \sqrt{2g(H_0 - H_1)} \quad , \quad \varphi=0,95; \quad (1)$$

*a-b* ўтишда *b* соҳа кесимидаги сув оқимининг ўртача тезлиги  $V_2$  учун

$$V_2 = \sqrt{\frac{V_1^2 \left[ 2 \left( \frac{S_1}{S_2} \right)^2 - 2 \left( \frac{S_1}{S_2} \right)^4 + \alpha \right] + 2g(H_1 - H_2)}{\zeta_1 + \alpha}} \quad (2)$$

формула ўринли бўлади.



1-резервуар, 2-электрогенератор; 3-микроГЭС вертикал таянчи; 4-турбина айланиш вали; 5-гидротурбина кўзгалмас, конуссимон ташки корпуси; 6-сув оқимини йўналтирувчи куракчалар; 7-статор; 8-трубина асоси жойлашган подшипникли платформа; 9-реактив турбина соплоси маҳкамланган айланувчи цилиндр; 10-статор парракчалари; 11-конуссимон конфузурли сопло; 12-сув оқимини текис тарқатувчи конуссимон асос.

**1-расм. Реактив микро ГЭС умумий схемаси.**

бунда  $\varphi$ -резервуардан сувнинг гидротурбинага кириш жойи конструкциясига боғлиқ бўлган коэффициент;  $S_1, S_2$ -мос равишда  $a$  ва  $b$  соҳаларнинг кўндаланг кесим юзалари;  $H_1, H_2$  –мос равишда микро-ГЭС пастки асосидан кўрилатган кесимгача бўлган баландлик;  $\alpha$ -Кориолис коэффициенти;  $h_{a-b}$ - $a$  соҳадан  $b$  соҳага ўтишдаги босимнинг йўқотилиши;  $\zeta_1, \zeta_2$  -босимни йўқотилиши коэффициентлари.

Сув оқими  $b$  соҳадан  $v$  соҳага ўтишда  $N$  та соплоларга тармоқланади, соплога кирувчи юзалар йиғиндиси  $b$ -соҳа  $S_1$  кесими юзасидан катталиги эвазига бирдан кенгайиш билан бирга, сув оқимининг  $90^\circ$  га бурилиши ҳисобига тезлиги камайиб,  $v$  соҳасида қўшимча босим йўқотилиши кузатилади. Буларни эътиборга олиб, Бернулли тенгламасини ечиб, сувнинг соплога киришдаги  $S_3$  кўндаланг кесимидаги ўртача тезлиги  $V_3$  учун қуйидаги формула олинган:

$$V_3 = \sqrt{V_2^2 \left[ 1 + \frac{2S_2}{\alpha NS_3} \left( 1 - \frac{S_2}{NS_3} \right) - \frac{1}{\alpha} \left( \frac{S_2}{NS_3} \right)^2 \left( 1 - \frac{S_2}{NS_3} \right)^2 \right] + \frac{2gH_2}{\alpha} - \frac{\zeta_{90^\circ}}{\alpha}}. \quad (3)$$

Сувнинг соплодан чиқишдаги  $S_c$  кўндаланг кесимидаги ўртача тезлиги  $V_c$  учун Бернулли тенгламаси ечилиб қуйидаги натижа олинди:

$$V_c = V_3 \left[ \frac{S_3}{S_c} - \sqrt{\left( \frac{S_3}{S_c} - 1 \right)^2 - \zeta_{90^\circ} - \zeta_2} \right]. \quad (4)$$

Сув устуни баландлиги  $H_0=2m$ , сувнинг трубинага киришдаги тезлиги учун  $V_0=5,95 \text{ m/s}$ ,  $d=0,273m$ ,  $15^\circ\text{C}$  температурада динамик ковшоқлик коэффиценти учун  $\eta = 0,0114$  қийматлар олинди. Бу ҳолда Рейнольдс сонининг қиймати  $Re=140921$  га тенг бўлади ( $10^5 \leq Re \leq 10^8$ ).

Сув оқими уюрмали режимда бўлгани сабабли  $\lambda$  гидравлик ишқаланиш коэффицентини ҳисоблашда Никурадзе томонидан таклиф этилган қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\lambda = 0,0032 + 0,22 Re^{-0,237}. \quad (5)$$

$Re=140921$  да  $\lambda=0,0165$  бўлганлиги учун босимнинг йўқотилиши қуйидагича аниқланади:

$$h = \frac{\lambda L}{d} \cdot \frac{V_0^2}{2g} = \frac{0,0165 \cdot 1,1}{0,3} \cdot \frac{V_0^2}{2g} = 0,0605 \cdot \frac{V_0^2}{2g}, \quad (6)$$

бунда  $L$ -сув оқиб ўтадиган масофа.

(6)-формуладан кўринадикки, паст босимда суюқликнинг гидротурбина ичидаги турбулент ҳаракати давомида ишқаланиш ҳисобига энг кўпи билан 6%-7% атрофида суюқлик оқимининг кинетик энергияси йўқотилар экан.

Барча соплларнинг геометрик шакли ва ўлчамларини, улардаги сув сарфини бир хил деб қараб, босимнинг йўқотилиши  $h_{6-6}$  учун қуйидаги ифодани оламиз:

$$h_{6-6} = \frac{Q^2 \rho}{N^2 2S_3^2} \left( 1 - \frac{S_2}{NS_3} \right)^2. \quad (7)$$

(3)-(6) тенгламаларни биргаликда ечиб, сув оқимининг гидротурбина соплосига киришидаги жами энергия йўқотилиш коэффиценти учун қуйидаги формула аниқланди:

$$\zeta_{\text{сонт}} = 1 + \frac{2S_2}{\alpha NS_3} \left( 1 - \frac{S_2}{NS_3} \right) - \frac{1}{\alpha} \left( \frac{S_2}{NS_3} \right)^2 \left( 1 - \frac{S_2}{NS_3} \right)^2. \quad (8)$$

Ишчи ғилдиракнинг барча қисмлари ва уларнинг ичидаги сув бирга айланади. Уларнинг айланиш валига нисбатан инерция моменти интегралаш усули орқали ҳисобланди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

Тажриба-синов учун ишлаб чиқилган реактив гидротурбина ишчи ғилдирагининг инерция моментини ҳисоблаш натижалари

№	I1	I2	I3	I4	I5	I6	I <sub>t</sub> (кг*м <sup>2</sup> )
1	2,371787	2,507981	1,899842	7,412789	0,24357	0,30396	18,18973

Кўрилатган конструкцияда ишчи ғилдиракнинг (2-расм) ҳаракатланиши  $F$  реактив куч таъсирида юзага келади, бу ҳолда айлантирувчи куч моменти айланма ҳаракатда қаттиқ жисмнинг кинематик моментининг ўзгариши ҳақидаги умумий теоремадан фойдаланиб аниқланади:

$$M_z = -N\pi\rho R_c^3 v_c (v_c - \omega_z R_c) = -N\pi\rho R_c^3 v_c^2 (1 - \cos\beta) \quad (9)$$


2-расмдаги  $A$  нуқтага таъсир этадиган  $F$  реактив куч, бирлик вақтда соплора кираётган ва ундан чиқаётган сув миқдори импульсларининг геометрик фарқига тенг бўлади:

$$F = K_c - K_3 \quad (10)$$

(10)-(11) формулалардан фойдаланиб, ишчи ғилдиракнинг  $\omega_z$  циклик частотаси учун қуйидаги формула олинди:

$$\omega_z = \frac{v_c^2 (R_c^2 - r_c^2)}{R_3^2 R_c v_3 + R_c^3 v_c} \quad (11)$$

бунда,  $R_c$  – айланиш ўқидан сув чиқувчи соплора марказигача бўлган масофа,  $r_c$  – соплорадан сув чиқиш жойининг радиуси,  $\vartheta_3$ ,  $\vartheta_c$  – мос ҳолда сувнинг соплора кириши ва чиқишидаги тезликлари.




1-овал шаклидаги йўналтирувчи марказий куракчалар; 2-марказий сув кириш труба; 3-соплора ички куракчалари; 4-гидротурбина соплора.

**2-расм. Реактив микро-ГЭС ишчи ғилдирагининг горизонтал кесимининг юқоридан кўриниш схемаси.**

Сув оқими учрайдиган қаршилик минимал бўлиши учун қуйидаги шарт бажарилиши кераклиги аниқланди:

$$\frac{S_3}{S_c} \geq \sqrt{\zeta_{90^\circ} - \zeta_2}, \quad (12)$$

бунда  $S_c$ -сопло сув чиқиш жойи кўндаланг кесим юзаси,  $\zeta_{90^\circ}$ -сувнинг  $90^\circ$  га бурилгандаги ва  $\zeta_2$  сопло конусида сиқлишдан юзага келувчи қаршилиқ коэффициентлари. 2-жадвалда назарий ҳисоблаш орқали олинган гидротурбинага тегишли энергетик катталиқлар ҳамда 3-4 расмларда уларнинг ўзаро боғланиш графиклари келтирилган.



**3-расм. Микро-ГЭС гидротурбинаси ишчи ғилдираги ФИК (а) ва айланиш моментининг (б) сув устуни баландлигига боғлиқлик графиклари.**

3-расмдан кўринадики,  $H_0$  ни ортиб бориши билан гидротурбинанинг бурилиш жойлардаги қаршилиқлар эвазига тезлик квадратага пропорционал равишда энергия йўқотилиши ортади. Бу энергия йўқотилиш минимал қийматга эришишини таъминлаш учун (12) шарт бажарилиши керак. ФИК ўзининг максимал қийматига етгандан сўнг жуда кичик қийматга ўзгаради, айланиш моментининг қиймати эса баландлик ўзгаришига мос ҳолда ортиб боради.


Гидротурбина энергетик параметрларини унинг ўлчамларига боғлиқ ҳолда ўзгаришини 2-жадвал асосида таҳлил этиш мумкин.

2-жадвалдан кўринадики, сув босимининг ортиши сувнинг соплодан чиқиш тезлигини катталашувига сабаб бўлади. Бу ҳолат сув миқдори чегараланган ҳудудларда гидротурбинанинг паст энергетик кўрсаткичлар билан ишлашига олиб келади. Шунинг учун сув миқдори ўзгармаганда сув устуни баландлигини ортишига мос ҳолда гидротурбина ташкилий қисмлари ўлчамларининг ўзгариши ФИКни ортишига олиб келади.

4-расмда гидротурбина ФИКни унинг соплосидан сув чиқиш жойи радиусига боғлиқлиги келтирилган. Бу график кўринадики, агар гидротурбина ўлчамлари ўзгармаган ҳолда сув босими орттириб борилса, сув сарфи миқдори чиқиш тезлигининг катта бўлиши эвазига ортиб боради. Натижада паст ФИК билан ишлайди. Гидротурбина ФИКни юқори бўлиши сопло сув чиқиш жойининг критик қийматидагина кузатилади. Бундай гидротурбиналарни сув миқдорини кўпайтириш мумкин бўлган жойларда ишлатиш яхши самара беради (4-расм).

Микро-ГЭС энергетик параметрларини гидротурбинанинг геометрик ўлчамларига мос равишда ўзгариши


$H_0$ , М	$V_0$ , м/с	$V_1$ , м/с	$V_3$ , м/с	$V_C$ , м/с	$\omega$ , рад/с	Р Вт	М Н*м	ФИК %	$n_s$ айл/с	Q л/с
2	5,32	4,58	5,14	9,51	32,01	2371,26	74,07	67,54	296,85	178,93
3	6,79	5,78	6,42	11,87	44,21	3762,53	85,11	70,12	409,96	182,32
4	7,98	6,77	7,48	13,83	55,36	5156,11	93,14	71,42	513,35	183,99
5	9,03	7,64	8,41	15,54	65,80	6550,67	99,55	72,19	610,17	184,99
6	9,96	8,42	9,24	17,09	75,71	7945,73	104,95	72,71	702,09	185,65
7	10,81	9,13	10,01	18,50	85,21	9341,09	109,63	73,08	790,15	186,13
8	11,60	9,79	10,72	19,82	94,36	10736,64	113,78	73,36	875,04	186,48
9	12,34	10,40	11,39	21,05	103,23	12132,33	117,53	73,58	957,27	186,76
10	13,04	10,99	12,02	22,22	111,85	13528,11	120,95	73,75	1037,20	186,98




4- расм. Гидротурбина ФИКнинг ишчи ғилдиракнинг айланиш моменти ва сув чиқиш соплоси радиусига боғлиқлиги.

Диссертациянинг «Микро-ГЭСнинг электрогенератори ва бошқарув тизими» деб номланган 3-бобида автоном микро-ГЭС тизимини бошқарувига қўйиладиган асосий талаблар, асинхрон фаза-роторли электродвигатели негизда электр генераторини тайёрлаш, микро-ГЭС ишлаш режими ва кучланишни стабиллаштириш ҳамда бошқарув тизими ишлаб чиқилган.

Фаза-роторли асинхрон двигатель статори ва ротори чўлғамлари 5-б-расмларда келтирилган схема бўйича қайта ўралди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган электротехник қурилмаларининг номинал ишлаш кучланиши ва частоталарини таҳлил этиб, улар талабига жавоб берувчи содда бошқарув схемаси ишлаб чиқилиб микро-ГЭСни бошқарув тизими тайёрланди.



5-расм. Статор чўлғамининг жойлаштириш электр схемаси




6-расм. Генератор роторининг уйғотувчи чўлғамининг ўралиш схемаси

МТ серияли фаза роторли асинхрон двигателдан ясалган электр генератори 22 кВт қувватли бўлиб, қуйидаги параметрларга эга бўлди:

- номинал қуввати  $P_n=22$  кВт;
- чизиқли кучланиши  $U_q=380$  В;
- фаза кучланиши  $U_\phi=250$  В;
- роторнинг айланиш частотаси  $f=500$  айл/мин;
- ток частотаси  $\nu=50$  Гц;
- қувват коэффиценти  $\cos\varphi=0.8\div 0.85$ ;
- совитиш системаси - вентилятор орқали (ҳаволи) ;
- генераторнинг тўлиқ номинал қуввати  $S_m = \frac{P_n \cdot 10^3}{\cos\varphi} = 27.5 \cdot 10^3$ ;
- фазадаги номиналь ток  $I_n = \frac{S_\Gamma}{U_q \sqrt{3}} = 41$  А ;
- жуфт кутблар сони  $n=18$  ;
- кутбларнинг бўлиниши  $\frac{\pi \cdot d_\Gamma}{n} = 39$ мм;
- статор узунлиги 210 мм;
- магнит индукциясини 0.8 Тл;
- статордаги пазлар сони 54 ;

Микро-ГЭСни автоматик бошқарув тизими 7-расмда келтирилган схема бўйича амалга оширилди. Генератор номинал айланиш частотасига эришгандан сўнг Кн1 кнопкани босиш орқали генератор роторига бошланғич уйғотувчи кучланиш берилади. Генераторда номинал кучланиш юзага келгандан сўнг унга юклама уланган вақтда генератор айланиш частотаси камайиб, катта айланиш моментини талаб этади. Бу ҳолдан “юмшоқ” ўтишни таъминлаш мақсадида ток трансформаторли қўшимча блок уланади. Юклама ортиши билан ротор чулғамида уйғотувчи кучланиш ортади, натижада кучланиши ва унинг частотасини стабиллашуви рўй беради.





7-расм. Микро-ГЭС бошқарув тизими умумий схемаси.

Диссертациянинг «Реактив гидротурбинали микро-ГЭСнинг синов моделини яратиш ва синаш» деб номланган 4-бобида микро-ГЭС қурилмасини яшаш ва синовдан ўтказиш тажриба натижалари ва иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синов учун тайёрланган реактив гидротурбинали микро-ГЭС қурилмаси қуйидаги техник параметрларга эга бўлди (7-расм):

- сув кириш трубади диаметри 273 мм;
- ишчи ғилдирак соплоси билан биргаликдаги диаметри 600 мм;
- ишчи ғилдирак цилиндри диаметри 400 мм;
- цилиндрдаги ички конус баландлиги 100 мм;
- цилиндрдаги ички йўналтирувчи лопастлар сони 3 та;
- сув чиқиш каналлари соплоси сони 12 та;
- статорнинг ташқи диаметри 700 мм;
- статорнинг умумий баландлиги 350 мм;
- статорнинг ички деворидаги сув қайтаргичлар сони 36 та;
- ўқнинг узунлиги 1300 мм;
- гидравлик турбинанинг ўлчамлари 700×800×1300 мм;
- микро-ГЭС массаси  $m \approx 109$  кг.

Микро-ГЭС қурилмаси сувнинг техник потенциал қуввати 3924 Вт, сув босими 2 м, сув сарфи 200 л/с бўлган табиий шароитда синовдан ўтказилди. Синов натижалари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

Микро-ГЭСни тажриба синовдан ўтказишда олинган энергетик параметрлари

Тажриба №	Сув сарфи (л/с)	Кучланиш (В)	Ток кучи (А)	Қуввати (кВт)	ФИК $\eta$ (%)	Турбина айланиш. частотаси $n$ (айл/мин)
1	195-200	215	10,37	2,23	57	144
2	195-200	210	10	2,10	54	141
3	195-200	225	10,31	2,32	59	145
4	195-200	218	9,85	2,15	54,5	144
5	195-200	220	9,54	2,10	54	145
6	195-200	216	10,18	2,20	56	143
7	195-200	222	9,81	2,18	55,6	146
8	195-200	218	10,6	2,33	59,5	144
9	195-200	224	10,7	2,4	61,2	146
10	195-200	216	10,2	2,2	56	142
	<b>Қўрт =200</b>	<b>218,4</b>	<b>10,16</b>	<b>Рўрт =2,28</b>	<b>56,2</b>	<b><math>n_{ўрт}=144\pm 1,2</math></b>



8-расм. Реактив микро-ГЭС тажриба нусхаси.

Генераторнинг ФИКи  $\eta_{ген}=0,95$ , қўшимча қурилмаларнинг ФИКи  $\eta_{узатма}=0,95$  бўлса, микро-ГЭСнинг ФИКи куйида ифода орқали аниқланади:

$$\eta_{МГЭС} = \eta_{ген} * \eta_{гидр} * \eta_{узатма} \quad (13)$$

(13)дан гидротурбинанинг ФИКни ҳисобаймиз:

$$\eta_{гидр} = \frac{\eta_{МГЭС}}{\eta_{ген} \cdot \eta_{узатма}} = \frac{0,56}{0,95 \cdot 0,95} \cdot 100\% = 62,5\% \quad (14)$$

Гидротурбинанинг фойдали иш коэффициенти 62,05% ни ташкил этди. Гидротурбина тезкорлиги учун тажриба ва назарий ҳисоблашлар орасидаги фарқи қуйидагича:

$$\Delta n_s = n_{sh} - n_s = 155,8 - 144 = 11,8 \text{ айл/мин}, \quad (15)$$

яъни, тезкорликнинг назарий ҳисобланган қийматидан 7,57% га кам бўлди.

Синов натижасида аниқланган гидротурбинанинг ФИКи назарий ҳисоблашлардан олинган натижадан 5,45% га кам бўлди.

Таклиф этилган қурилмада ишлаб чиқарилган электр энергиясидан, асосан, умумтармоқдан узоқда жойлашган, чекка қишлоқлардаги кичик сув босимига эга, гидропотенциали бор жойларда актив фойдаланилади. Бундай гидропотенциалга эга худудлар республикамизнинг чекка қишлоқларида кўплаб топилади. Шу сабабли, кўрилаётган қурилмани қишлоқ ва чекка худудларда кўплаб фойдаланилаётган бензинли генератор билан солиштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Микро-ГЭС иқтисодий самарадорлигини аниқлашда ўртача 10 кВт қувватга эга бўлган тизимни тайёрлаш, ўрнатиш ва ишга солиш харажатлари қуйидаги ифода бўйича ҳисобланди:

$$S = S_m + S_t + S_{tr} + S_{гг} + S_{\mu} + S_{п} + S_{ис} + S_{бх}, \quad (16)$$

бунда  $S_m$ -қурилма учун сарф бўлган материалларга бўлган харажат, сўм;  $S_t$ -қурилмани тайёрлаш учун қилинган харажат, сўм;  $S_{tr}$ -транспорт харажатлари учун, сўм;  $S_{гг}$ -генератор ва бошқарув тизими учун сарф қилинган маблағ, сўм;  $S_{\mu}$ -микро-ГЭС ни ўрнатиш учун, сўм;  $S_{ис}$ -ишга тушириш учун, сўм; сарф қилинган меҳнат харажатлари, сўм;  $S_{п}$ -қурилма ўрнатиладиган платформани тайёрлаш учун, сўм;  $S_{бх}$  –бошқа кўзда тутилмаган харажатлар, сўм.

Муқобил автоном манба сифатида 10 кВт қувватли бензин билан ишловчи электр генераторининг нархи 15,4 млн сўмни ташкил этади (кўрсатилган нархлар 2018 йил учун).

Микро-ГЭС ва бензинли электрогенераторларнинг эксплуатацион харажатлари қуйидагича ҳисобланди:

Микро-ГЭС учун,

$$\mathcal{E}_{mgc} = \mathcal{E}_{жт} + \mathcal{E}_{ax} + \mathcal{E}_{их}, \quad (17)$$

бензинли генератор учун,

$$\mathcal{E}_{bg} = \mathcal{E}_{жт} + \mathcal{E}_{ax} + \mathcal{E}_{e}, \quad (18)$$

бунда  $\mathcal{E}_{жт}$ -жорий таъмирлаш харажатлари, сўм/йил;  $\mathcal{E}_{ax}$ -йиллик амортизация харажатлари, сўм/йил;  $\mathcal{E}_{их}$ -хизмат кўрсатадиган ишчи ходимнинг иш хақи, сўм/йил;  $\mathcal{E}_{e}$ -ёқилғи харажатлари, сўм/йил.

Жами сарф қилинган маблағ (16) орқали ҳисобланганда 23 млн. сўмни ташкил этди. Материаллар, қўшимча механик қисмлари ва тайёрлаш учун 9,8 млн. сўм, транспорт ва ўрнатиш, ишга солиш давомида 4,7 млн сўм, платформани тайёрлаш, генератор ва бошқарув тизимини тайёрлаш учун 8,5 млн. сўмни ташкил этди (кўрсатилган нархлар 2018 йил учун ҳисобланган).

Ушбу маълумотлар асосида ишлаб чиқилган микро-ГЭС ва бензинли генераторни солиштириш натижаси 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

Ишлаб чиқилган микро-ГЭСнинг ва бензинли генераторнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Микро-ГЭС қурилмаси	Бензинли Генератор	Фарқи
Номиналь қуввати	10 кВт	10 кВт	йўқ
Ўртача йиллик электроэнергия ишлаб чиқарилиши	54000 кВт*соат	54000 кВт*соат	йўқ
Қурилманинг баланс нархи	23000 минг сўм	15 000 минг сўм	-4500 минг сўм
Йиллик эксплуатацион харажатлар	3100 минг сўм	62 389 минг сўм	59 289 минг сўм
Микро ГЭС ишлатишдаги йиллик фойда	59 289 минг сўм		
Харажатни қоплаш вақти, йил	2,18		

4-жадвалда микро-ГЭС қурилмаси ва бензинли генераторлар тўла 10 кВт қувват билан 1 йил давомида кунига 15 соатдан тўхтовсиз ишлаб электр энергияси ишлаб чиқарилган деб ҳисобланган. Кўрилатган муддатда жами 54 МВт\*соат энергия ишлаб чиқарилади, уни 1 кВт\*соат электр энергиясининг таърифдаги нархига кўпайтирсак 13,64 млн. сўм қийматдаги энергия ишлаб чиқарилади (нархлар 2018 йил таърифи бўйича ҳисобланган).

Микро-ГЭС қурилиши ва қурилмаси учун сарф қилинган харажатларни қоплаш муддатини топишда қуйидаги формуладан фойдаланилди:

$$C = \frac{S}{P \cdot t \cdot b}, \quad (19)$$

бунда  $S$ -қурилма ва уни ўрнатишга жами сарфланган харажат, сўм;  $P$ -микро-ГЭС номинал қуввати, кВт;  $t$ -йил давомида ишлаш вақти, соат;  $b$ -1 кВт \*соат электр энергиянинг нархи, сўм/ кВт \*соат.

Эксплуатацион, амортизация, жорий таъмирлаш харажатлари 3,1 млн. сўмни ташкил этса, қурилма 10,54 млн. сўм йиллик даромад келтиради. Қурилмага сарф қилинган маблағни қопланиши (19) формула бўйича ҳисобланса 2,18 йилни ташкил этиши аниқланди.

## ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилган:

1. Реактив гидротурбина соплодан чиқувчи сув дастаси ҳосил қиладиган куч моменти ва ишчи ғилдиракнинг айланиш частотаси учун аналитик ифодалар ҳамда уларнинг умумий система инерция моменти ва чиқиш энергетик параметрларига боғлиқлик ифодалари олинган.

2. Реактив гидротурбина ишчи ғилдирагининг айланишда қатнашмайдиган йўналтирувчи куракчалари орқали сув оқимини соплонинг ички куракчаси сиртига нисбатан  $25-30^0$  бурчак остида урилишини таъминлаш орқали ички актив кучнинг максимал қийматига эришиш шартлари аниқланган.

3. Реактив гидротурбинанинг ишчи ғилдирагида марказдан қочма ва Кориолис кучларидан самарали фойдаланиш, шунингдек ички йўналтирувчи куракчаларни қўллаш орқали ички ишқаланиш ва маҳаллий қаршиликларнинг камайтирилиши эвазига гидротурбинада йўқотиладиган энергия миқдорини 20-40 %гача камайтириш имконияти яратилган.

4. 50 кВтгача қувватга мўлжалланган микро-ГЭСларда паст частотали асинхрон генераторларни қўллаш таклифи қувват йўқотилишига олиб келувчи редуктор ва кўп каскадли шкифлар шаклидаги қўшимча қисмларни истисно қилишга имкон берган.

5. Реактив принципда ишловчи Микро-ГЭСнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган ва унинг ташкилий қисмлари, реактив гидротурбина ва электрогенераторларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларига боғлиқлиги ўрганилган.

6. Сув устуни баландлигига мос ҳолда гидротурбина ишчи ғилдираги ўлчамларининг ўзгариши ФИКнинг ортишига олиб келиши, ФИКи 59%-75%ни ташкил этиши, гидротурбинанинг ўлчамлари ўзгармаганда, сувнинг соплодан чиқиш радиусини критик қийматида гидротурбинанинг ФИКи сув устуни баландлигига мос равишда 56%-67% ораликда ўзгариши аниқланган.

7. Асинхрон фаза роторли двигатель негизида электрогенератор тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган. Кичик босимли сув манбаларида ишловчи реактив принципи микро-ГЭС конструкцияси яратилиб, гидротурбина ўлчамлари ва энергетик параметрларини ҳисоблаш методининг дастурий маҳсулоти ишлаб чиқилган.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.FM/T.34.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**БОЗАРОВ ОЙБЕК ОДИЛОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА МИКРО-ГЭС С РЕАКТИВНЫМ  
ГИДРОАГРЕГАТОМ ДЛЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ  
ПОТРЕБИТЕЛЕЙ**

**05.05.06 – Энергетические установки на основе возобновляемых  
видов энергии**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2019.3.PhD/T773.**

Диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.fti.uz](http://www.fti.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** **Алиев Раимжон Усманович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Уришев Бобораим**  
доктор технических наук, профессор

**Мажидов Тахиржон Шадманович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.FM/T.34.01 Физико-техническом институте (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Чингиза Айтматова, дом №26. Административное здание Физико-технического института. Тел.: (+99871) 235-30-41; факс: (+99871) 235-42-91; e-mail: [info.fti@uzsci.net](mailto:info.fti@uzsci.net)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Физико-технического института (зарегистрирован за №\_\_\_). Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Чингиза Айтматова, дом №26. Административное здание Физико-технического института, зал конференции. Тел/Факс: (+99871)-235-30-41.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ года.

(протокол рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ года).

**Н.Р. Авезова**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н. ведущий научный сотрудник

**А.Комилов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н.

**В.А. Каримов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня в мире всё большее значение приобретают научные исследования по стабилизации экологического равновесия и экономии различных углеводородных горючих, составляющих энергоресурсы, по увеличению масштабов использования нетрадиционных и возобновляемых источников энергии. В связи с этим для развития систем электроснабжения, не нарушая границ экологического равновесия, в мировой практике большое внимание уделяется использованию одного из возобновляемых источников энергии – гидроэнергии и научным практическим исследованиям в этой области.

Как и во всём мире, в нашей республике увеличение численности населения, организация новых производственных предприятий приводят к увеличению потребности в электрической энергии. В целях удовлетворения потребности промышленности и населения особое внимание уделяется научно изыскательским работам по разработке надёжных, безопасных и экологически безвредных технологий. В этой ситуации для использования гидроэнергетического потенциала речек, рек, каналов в ирригационных системах республики необходимо усовершенствовать работающие в водных потоках малого давления микрогидроэлектростанции или создать их новые поколения с оптимальными конструктивными и технологическими решениями. В связи с этим считается актуальным выполнение диссертационного научного исследования, направленного на разработку и оптимизацию параметров более эффективной и упрощенной конструкции гидроагрегата и микрогидроэнергетических устройств.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годах намечены следующие задачи: «...сокращение энергоёмкости и ресурсоёмкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики»<sup>8</sup>. Решение этих задач, в частности разработка новой конструкции микрогидроэлектростанции (микро-ГЭС) с реактивной гидротурбиной, способной работать высокоэффективно и в водных потоках с низким давлением, аналитическое моделирование взаимосвязи между его конструктивными размерами и энергетическими параметрами, приспособление размеров деталей конструкции и их режимов работы с учётом расхода воды, считаются одними из важных задач сегодняшнего дня.

Это диссертационное исследование в определённой степени послужит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2947 от 02 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию гидроэнергетики на 2017–2021 годы», №ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики,

---

<sup>8</sup> Указ Президента Республики Узбекистан за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы» и в других нормативно-правовых актах, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики – III. «Развитие использования возобновляемых источников энергии».

**Степень изученности проблемы.** На сегодняшний день почти во всех странах мира эффективное использование экологически чистых источников гидроэнергии является одной из приоритетных задач развития экономики.

Проведены широкомасштабные исследовательские работы в ведущих научных и высших учебных заведениях всего мира над различными конструкциями и их автоматизированными системами по получению электрической энергии из потоков воды невысокого давления.

Широкомасштабные научные исследования по этой тематике ведутся в научных заведениях и специальных научно-исследовательских институтах России<sup>9</sup>, США, Англии<sup>10</sup>, Германии, Испании, Дании, Италии, Малайзии, Китая<sup>11</sup>, Филиппин<sup>12</sup> Ирана, Индонезии, Киргизии, а также в высших учебных и научно-исследовательских заведениях Узбекистана.

В нашей республике решением таких научных проблем, как анализ существующего гидроэнергетического потенциала, возможности и методы их использования в энергетической сфере, совершенствование конструктивных параметров также систем управления малых и микрогидроэлектростанции, повышение эффективности разных энергетических установок занимались узбекские учёные Аллаев К.Р., Захидов Р.А., Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У., Алиев Р.У., **Мамадиеров Э.К.**<sup>13</sup>, Эргашев С., Умрзоков А.Х. и другие.

Исследовательскими работами в сфере гидроэнергетики занимались также такие ведущие учёные зарубежных стран, как Лукутин Б.В., Обухов С.Г., Харон Ч., Клыков С.П., Кажинский Б.Б., Мюллер Г., Левковский П., Словакия М., Иренбергер А., Шницер В., Лотар К., Кризик В., Славчев С., Юреньков В.Н., Пивоваров В.А., Шоёкубов Ш.Ш., Сатибалдиев А.Б., Нарзиев М., Суле Л., Вайчбротт Ф., Ибрахим А., Диёров Р.Х. и другие.

В выполненных работах основная часть микро-ГЭС, работающих в водных потоках низкого давления – гидротурбины, состоит из частей с ковшовым<sup>14</sup>,

---

<sup>9</sup> <http://www.inset.ru/r/obor.htm>

<sup>10</sup> Gerald Muller, Klemens Kauppert. Old watermills - Britain's new source of energy, *II New civil engineer international*. March. - 2003, P.P. 20-28.

<sup>11</sup> D.Zhou, J.Gui, D.Deng, H.Cheu, y.Yu, A.Yu, C.Yang. Development of an ultralow head siphon hudro turbine using computational fluid dinamics.// *Energy.-China*, 2019.-Vol. 181.-P.P. 43-50.

<sup>12</sup> J.C.Casila, M.Duka, R.D.L.Reyes, J.C.Ureta, Potential of the Molawin creek for mikro hydro power generation: An assissment.//*Sustainable Energy Technologies and Assissments.-Phillipines*, 2019, -Vol.32. P.P. 111-120.

<sup>13</sup> **Э.К. Мамадиеров**, Определение основных параметров микрогидроэнергетической установки, *Гелиотехника*, 2010 (2), С. 68-71.

<sup>14</sup> Свит П.П. Разработка МИКРО-ГЭСс асинхронными генераторами для сельскохозяйственных потребителей Автореф. дисс. канд. техн. наук. Барнаул, Алтайский ГТУ. 2007.

пропеллерным, лопастным рабочим колесом, и совершенствование в них направлено на изменение угла удара воды о лопасти, изменение кривизны поверхности лопастей и на определение оптимальных значений их размеров. Как следует из анализа данных литературы и информационных ресурсов Интернета, не нашла своего решения задача создания новых гидротурбин, дающих электрическую энергию с высокой эффективностью в водных потоках низкого давления. Поэтому выявлена важность разработки новых конструкций микро-ГЭС, эффективно работающих в водных потоках низкого давления.

Считаем необходимым проведение диссертационного исследования, направленного на создание микро-ГЭС с гидротурбиной, работающей на реактивном принципе и предназначенной для использования в гидроэнергетических источниках с низким давлением воды, на оптимизацию его технологических и энергетических параметров и разработку промышленно-экспериментального образца.

**Связь диссертационного исследования с планом научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках проектов, включенных в план научно-исследовательских работ Андижанского филиала Ташкентского государственного аграрного университета на тему И-2016-2-26/1 «Разработка и введение в эксплуатацию сети микро-ГЭС мощностью 50–100 кВт на территории районов Кургантепа и Буз» (2016–2017).

**Целью исследования** являются разработка и оптимизация параметров конструкции микро-ГЭС с реактивной гидравлической турбиной, работающей за счёт энергии водных потоков с низким давлением.

**Задачи исследования:**

изучение существующего гидроэнергетического потенциала рек, каналов, рек в ирригационной системе республики, анализ существующих конструкций микро-ГЭС;

определение аналитической взаимосвязи между составными частями, техническими и энергетическими параметрами конструкции микро-ГЭС;

